

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 11 декабрь, № 240 (5660) Сешанба


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди.

Мустақиллик йилларида 51,7 минг нафардан зиёд чет тиллар ўқитувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5-9 синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари бўйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўрганиш бўйича электрон ресурслар тайёрланди, умумтаълим мактабларида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда 5 мингдан кўпроқ лингафон кабинетлари жиҳозланди.

Шу билан бирга, чет тилларни ўрганишни ташкил қилишнинг амалдаги тизимини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илғор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасидаги талабга тўлиқ жавоб бермаяпти. Таълим, асосан, анъанавий услубларда олиб борилмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилишини тақозо этади.

Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб:

республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади;

олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилади;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини чет тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-услубий комплекслар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда қайта нашр этиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг айланма маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни кенгайтириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурга киритилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларга мувофиқ сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирликлар, идора ва ижрочи-ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

3. Чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича доимий ишлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети унинг ишчи органи этиб белгилансин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А. Икромов) манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда ҳамда етакчи олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда:

2013 йилнинг 1 мартигача бўлган муддатда ҳар бир таълим босқичида чет тилларни билиш даражасининг аниқ мезонларини назарда тутувчи янги таълим стандартлари тасдиқланишини таъминласин;

2013 йилнинг 1 майигача бўлган муддатда умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан бошлаб чет тиллар таълимини узлуксиз жорий этилишини, шунингдек, таълимнинг барча босқичларида унинг давомийлигини назарда тутувчи умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларининг янги ўқув режалари ва дастурлари тасдиқланишини таъминласин;

таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари, дарсликларни ишлаб чиқиш, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этиш учун етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этсин;

(Давоми 2-бетда).

## 2013 йил — Обод турмуш йили

# Бунёдкорлик ва бахту саодат ифодаси

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

**Ислом КАРИМОВ**





Ўзбекистонда 2008 — 2012 йилларда, яъни охирги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида

**8,2**

фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этди.

Истиқлолнинг ҳар бир йили юртимиз тарихида ўзига хос из қолдирмоқда. Бу даврда эришилган улкан муваффақиятларимиз тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланаётир. Зеро, мустақиллик халқимизнинг буюк ишларга қодир эканлигини англатди, қадриятларимизни эъзозлашга ўргатди. Шу боис бунёдкорлик ва яратувчанлик иштиёқи, ғайрат-шижоати билан яшаяпмиз. Бинобарин, Ватанимизни янада обод, турмушимизни бундан-да фаровон этиш — энг улуғ мақсадимиз.

Муҳташам иншоотлар, намунавий тураржойлар, кенг ва равон йўллар, замонавий мактаб, коллеж ва лицейлар, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган, илғор асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган шифо масканлари... Хўш, буларнинг барчаси нима учун, ким учун? Албатта, инсон учун, шу юртнинг фарзандлари, уларнинг обод турмуши, ёруғ истиқболи учун!

Йигирма бир йил. Ана шу қисқа давр ичида қўлга киритган улкан ютуқларимизни сарҳисоб қилсак, ҳар соҳада, ҳар жабҳадаги улуғвор натижаларни кўрамиз. Нафақат турмуш тарзимиз, балки онгу тафаккуримиз, дунёқарашимизда ҳам катта ўзгаришлар рўй бергани яққол намоён бўлади. Иқтисодий соҳада забт этилган юксак марраларни айтмайсизми?!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2013 йилга “Обод турмуш йили” деб ном берилди. Бунинг негизида, авваламбор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш каби эзгу мақсад-муддаолар кўзда тутилгани таъкидланди. Зеро, юртимизда инсон азиз, инсон мўътабар. Шундай экан, унинг манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг устувор вазифамиз, мақсадимиз бўлиб қолиши, бу қабул қилинадиган Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топиши, шубҳасиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, ободлик кўнгилдан бошланади. Шу маънода, бугун юртни обод этиш иштиёқи кўнгиллар, хонадонлар, қишлоқ ва овуллар, шаҳару кентлардан бошланиб, мамлакат миқёсидаги хайрли ташаббусларга айланишидан барчамиз бирдек манфаатдормиз.



# Эзгуликка йўғрилган йиллар

Президентимиз куни кеча Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилар экан, “...йилга ном бериш негизида, авваламбор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш — айни шу каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозим”, деб таъкидладилар.

## Дил сўзи

Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг ҳақиқий ташаббускори ва мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош меъмори бўлмиш Юртбошимизнинг доно ва оқилона сиёсати, илгари сурган ғоялари, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида қабул қилинган муҳим ҳужжатлари самарасини бугун ҳар бир жабҳада кўришимиз мумкин. Хусусан, бизнинг Хонариқ қишлоғимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар барчани қувонтиради.

(Давоми 2-бетда).

# Умуминсоний қадриятлар ва ноёб миллий анъаналар уйғунлиги

*Шу йил 8 декабрь куни юртимизда инсоннинг олий қадриятлари, унинг фаровонлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида намоён этган ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларида яратувчанлик ислоҳотларининг ҳуқуқий заминига айланган мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги тантанали равишда нишонланди.*

## Эътироф

Президентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган тантанали маросимда таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ҳамда нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нишонланишининг муҳим ўзига хослиги шу билан изоҳланадики, айни пайтда мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб олинади, уларда халқимизнинг орзу-истак ва интилишлари акс этади, ана шундай устуворликларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши эса буюк келажакка эришишимизга кўмаклашади.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йил “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинган эди. Ишлаб чиқилган махсус Давлат дастури асосида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи амалиётга жорий этилди.

Мазкур анъанага кўра, давлатимиз раҳбари кириб келаётган Янги — 2013 йилни мамлакатимизда “Обод турмуш йили” дея эълон қилишни таклиф этдилар. Тантанали маросим қатнашчилари ушбу таклифни қизғин олқишлар билан қўллаб-қувватладилар.

Юртимиз ҳаётидаги мазкур муҳим сана муносабати билан “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирлари дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари билдирган фикр-мулоҳазаларни ёзиб олдилар.

**Игорс АПОКИНС, Латвиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида Конституциянинг роли ва аҳамияти каттадир. Негаки, фуқаролар манфаатлари давлат манфаатларидан устуворлиги асосий фарқ ҳисобланадиган ушбу ҳужжат асосида мамлакат сўнгги 20 йил давомида тараққий топди ва мустаҳкамланди.

(Давоми 2-бетда).

# Тасвирларга кўчган тасаввур

*Пойтахтимизда “Тошкент қувончлари” деб номланган халқаро болалар расмлари биенналеси бошланди.*

## «Биеннале — 2012»

Ўзбекистон Бадиий академияси, Ташқи ишлар, Халқ таълими вазирликлари, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли саъй-ҳаракатлар юксак самара бермоқда. Шу маънода, анъанавий болалар расмлари биенналеси ҳам ёш истеъдодларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни жаҳон болалари ҳаёти, ижодий ишлари билан таништиришда муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Парламент ҳаёти

*Маълумки, мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, парламентнинг қабул қилинган қонунларнинг жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини ўрнатишига алоҳида эътибор қаратилаяпти.*

# Илғор ахборот технологиялари — тараққиёт омили

Ўз навбатида, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ифодаланган ғоя ҳамда таклифларда ҳам бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” ҳамда “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонунларнинг Интеллектуал мулк агентлиги тизимида бажарилиши ҳолати ана шу талаблар асосида ўрганилмоқда.

Жумладан, депутатлар инновацион иқтисодиётни янада ривожлантиришда тегишли қонунчилик механизмларини амалиётга жорий этишнинг бугунги ҳолатини ҳар томонлама кўриб чиқмоқдалар. Аввало, назорат-таҳлил тадбирига тайёргарлик кўриш давомида қонун нормаларини ижро этиш мақсадида қабул қилинган қонуности ва бошқа норматив ҳужжатлар батафсил таҳлил этилмоқда. Айни чоғда интеллектуал мулк, чунончи, ЭҲМ учун яратилган дастурлар, маълумотлар базалари ҳамда интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза этиш бўйича халқаро тажриба чуқур ўрганилаётир.

Мазкур жараёнларга кенг жамоатчилик ва экспертларни жалб қилиш эса самарадорликни янада оширишда салмоқли роль ўйнаши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда чет тилларни ўқитиш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиши ва кучайтирилишини, ўқув якунлари бўйича умумэътироф этилган тестлар (имтиҳонлар) топширилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибида Чет тилларни билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси ташкил қилинсин, Марказ ходимларининг сони 12 кишига кўпайтирилсин ва унинг вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрганувчиларни чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлашни тўлов асосида тест ўтказиш (жумладан, Интернет орқали масофавий) ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини беришни ташкил этиш;

ўрганувчиларнинг мустақил равишда, чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш учун, тестга тайёрланишларига зарур маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғига жойлаштириш.

Марказнинг бюджетдан ташқари даромадлари ҳисобидан унга юкланган вазифаларни бажариш учун Марказга тўлов асосида мустақил экспертларни ва имтиҳон олувчиларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, икки ой муддатда, 2015/2016 ўқув йилларидан бошлаб, барча олий таълим муассасаларига кириш тестлари блокига хорижий тилни киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёжи бўлган узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга оширишга рухсат этилади;

мақсадли қабул асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган шахслар, ўқишни битирганларидан сўнг, ўзлари яшайдиган жойларда жойлашган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тавсияномаларида кўрсатилган таълим муассасаларида 5 йилдан кам бўлмаган муддатда олинган мутахассисликлари бўйича ишлаб беришлари шарт.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг чет тиллар ўқитувчилари ва муаллимларига қонун ҳужжатлари билан белгиланган рағбатлантирилувчи тўловлар ва қўшимчаларни ҳисоблашда, уларнинг лавозим маошлари таркибига киритган ҳолда қишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасаларида уларнинг тариф ставкаларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалари миқдоридаги ҳар ойдаги қўшимчалар қўшиб беришни белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази уч ой муддатда, молиялаш манбалари Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, хорижий кредитлар ва халқаро грантлар, шунингдек, ҳомийлар ва хайриячилар маблағлари кўзда тутилган ҳолда, 2013 — 2016 йилларда таълим муассасалари хорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан (қўшимча жиҳозлаш) жиҳозлашнинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда уни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда, қуйидагиларни таъминласин:

телевидение, шу жумладан, маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни хорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп хорижий бадиий ҳамда мультипликациявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб боришни амалга ошириш;

"ZiyoNet" тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли орттириш, унинг ресурс марказини мультимедиа ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобиль ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунингдек, инглиз тилида ўқув ва бадиий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар ва журналларни чоп этиш, уларга махсус рукнлар ҳамда иловаларни ташкил қилиш.

10. 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар, шунингдек, идоравий меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 10 декабрь

# Илғор ахборот технологиялари — тараққиёт омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу мақсадда қўмита томонидан пойтахтимизда интеллектуал мулк қонунчилигини такомиллаштириш, чунончи, электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари ҳамда интеграл микросхемалар топологияларининг ҳуқуқий муҳофазасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, агентлик ва қўмиталар, компаниялар, олий ўқув юртлари ҳамда тадқиқот марказлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари мутахассислари иштирок этди. Тадбирда мавзу хусусида фикрлар алмашилиб, қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Қўмита аъзоси Д. Холиқованинг айтишича, бугун интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимояси соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, интеллектуал мулк объектлари, жумладан, интеграл микросхемалар топологиялари ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари ҳуқуқ эгалари мутлақ ҳуқуқларини муҳофазалашни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда, шунингдек, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш устидан қатъий назоратни амалга ошириш, интеграл микросхемалар топологиялари, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, расмийлаштириш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш тартибларига оид масалалар ҳам диққат-эътиборда бўлди.

Қолаверса, ЭҲМ учун яратилган дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни интерактив усулда бериш ва ахборотларни тақдим этишни янада ривожлантириш йўналиши ҳақида ҳам қатор мулоҳазалар билдирилди. Буларнинг барчаси инновацион тараққиётнинг муҳим бўғини — дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш миллий индустрияси салоҳиятини мустаҳкамлаш гаровидир.

Давра суҳбатида "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида", "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилаётган инновацион фаолиятга оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар берилди.

**С. МАХСУМОВ.**

# Эзгуликка йўғрилган йиллар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қишлоғимиздаги 200 дан ортиқ оилага томорқа ва уй-жой қуриш учун ер ажратилган эди. Бу билан илгари битта ҳовлида қисиниб яшаган уч-тўртта оила нафақат ўз уйи ёки томорқасига, балки ердан самарали фойдаланиш ва турмушини яхшилаш имкониятига эга бўлди.

Шу билан бирга, кимдир деҳқончилик, яна кимдир тадбиркорлик орқасидан замонавий автомобиллар соҳибига айланмоқда. Қаранг, биргина якунланаётган йилда қишлоқдошларимизнинг йигирма нафардан ортиғи Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилган елдек учқур енгил машиналардан харид қилишибди. Мана шунинг ўзиёқ одамларда тадбиркорлик, уддабуронлик қобилияти шаклланаётганидан, турмушимиз тобора фаровонлашаётганидан далолат эмасми? Зеро, бу ҳалол ва сидқидилдан қилинган меҳнат инсонга, унинг оиласига ободлик ва барака келтиришининг ҳаётий исботидир.

Бундай имконияти кенг, жаннатмонанд юртда яшашнинг ўзи саодат. Оддий меҳнатимизнинг юксак қадрланиши эса умримизга умр қўшиб, янада ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишимизга руҳлантиради, янги марраларни забт этишга ундайди.

**Комилжон МАМАЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Тошлоқ туманидаги**
**«Мамажонобод Қаҳрамони»**
**фермер хўжалиги раҳбари.**

# Тасвирларга кўчган тасаввур



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилги кўргазмада дунёнинг 27 мамлакатидан 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган мўйқалам соҳибларининг 2 мингдан зиёд ижодий ишлари жой олган. Кўргазмада намойиш этилаётган расмлар бир неча йўналиш, яъни "Болалик дунёси", "Менинг Ватаним", "Мен яшаётган олам", "Менинг орзуим", "Мен билган Ўзбекистон" мавзуларини қамраб олган.

Беш кун давом этадиган болалар расмлари биенналесига санъат ихлосмандлари, мактаб ўқувчилари ҳам ташриф буюраётир.

Бу ерда нафақат ҳамюртларимиз, шу билан бир қаторда, хорижлик, хусусан, Хитой, Россия, Сингапур, Жанубий корейлик болаларнинг асарлари билан ҳам танишиш мумкин. Айниқса, уларнинг Ўзбекистонимизни тасаввур қилиб чизган расмлари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

**М. ХОЛМАТОВА.**
Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Тадбир

*Пойтахтимизда "Меҳр нури" хайрия жамғармасининг "Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар" дастури ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

# Жамғарма грантлари топширилди

Тадбирда оилавий бизнес юртдошларимиз учун муҳим даромад манбаига айланаётгани, шундан келиб чиқиб ёш оила соҳибларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар, грантлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, жорий — Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар янада кенг қамров касб этди. Бунда юртимиздаги кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари қатори "Меҳр нури" жамғармасининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Хусусан, жамғарманинг "Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар" дастурида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги тадбиркорларнинг тикувчилик, паррандачилик, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш, мева ва сабзавотни қайта ишлаш каби кўплаб йўналишдаги лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган эди. Грант соҳибларини аниқлашда тақдим этилаётган бизнес-режаларнинг долзарблиги, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, муайян ҳудудда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинди ва 15 нафар ишбилармон аёлга бир ярим миллион сўмлик грантлар топширилди.

Шунингдек, тадбир доирасида тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантиришга қаратилган грантлар ғолиблари ҳам тақдирланди.

**Ф. АШУРОВА.**

# Умуминсоний қадриятлар ва ноёб миллий анъаналар уйғунлиги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йиллар мобайнида кўп марраларга эришилди — Ўзбекистон замонавий сиёсий тизимни, рақобатбардош иқтисодиётни, бой маданий, илмий ва спорт жабҳасини ривожлантирмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббускорлигида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида шундай ҳуқуқий майдон яратилдики, унда инсоннинг ҳуқуқи, асосий эркинликлари ва қонуний манфаатлари муҳим устуворлик ҳисобланади. Бу жараённинг замирида, шубҳасиз, мустақил, суверен ва демократик давлатнинг Асосий Қонуни туради.

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Президенти раҳбарлигидаги комиссиянинг жонкуяр меҳнати самарасидир. Мазкур комиссия жаҳон амалиётига мувофиқ келадиган замонавий давлатнинг Асосий Қонунини барпо этишни уддалади. Мазкур ҳужжатда умуминсоний қадриятлар билан бирга, ўзбек халқининг ноёб миллий анъаналари ҳам тўласинча ўз аксини топган. Бугун Конституция яратган ҳуқуқий маконга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси кўҳна анъаналарга, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан ҳурматга, оилавий қадриятлар ҳамда меҳмондўстликка таянган ҳолда очиқ ва барча янгиликларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўладиган замонавий ҳамжамиятни ривожлантиришнинг ажойиб намунаси ҳисобланади.

Конституция қабул қилинган куннинг 20 йиллиги байрами муносабати билан ўзбек халқига янада равнақ топиши ва гуллаб-яшнашини тилайман.

**Рамдан МЕКДУД, Жазоирнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Янги — 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" дея эълон қилиниши Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш масалаларига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин тасдиғидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбари Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналарининг фаолиятига юксак баҳо бергани учун самимий миннатдорлик билдиришни истар эдим. Ўзаро ишонч ва англашувнинг мавжудлиги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш учун мустаҳкам асос сифатида хизмат қилади.

**Муҳаммад Воҳид ул ҲАСАН, Покистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Конституциясининг пойдеворини ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий тажрибасига асосланган давлат ва жамият қурилишининг тамойиллари ташкил этгани ҳолда, улар юртингизнинг миллий анъаналари ва ўзига хос жиҳатларини акс эттиради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида давлатчиликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ҳамда демократлаштириш жараёнларини изчил чуқурлаштириш йўлида улкан муваффақиятларга эришди. "Обод турмуш йили" дея эълон қилинган 2013 йилда барча ўзбекистонликлар фаровонлигини янада юксалтириш йўлидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар давом эттирилишига ишончим комил.

**Мариан ПШЕЗЬДЗЕЦКИЙ, Польша Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон раҳбари ўз маърузасида мамлакатнинг ривожланиш концепцияси ва сўнгги 20 йил мобайнида эришилган натижаларни йиғилганлар эътиборига ҳавола қилди. Мазкур маърузада мамлакатингиз тараққиётининг истиқболлари қайд этилиб, унда келажакка умид ва эртанги кунга ишонч ҳисси барқ уради. Бу юртингиз етакчисининг кучи ва битмас-туганмас ғайрат-шижоати, ҳаётни янада яхши томонга ўзгартириш истагидан далолат беради.

Мен ҳар доим Президент Ислом Каримовнинг маърузаларини катта қизиқиш билан тинглайман. Бугунги тадбирда аёллар тўғрисида ҳам кўп фикрлар билдирилди. Мамлакатингизда аёллар масаласига улкан эътибор қаратилаётгани, уларнинг ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари борасида тенг имкониятлар яратилгани фахр ва ҳурматга сазовордир.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатингиз раҳбари томонидан "Обод турмуш йили" дея эълон қилинган янги йилда ўзбек халқига бахт, барча тилак, истак ва режаларининг амалга ошишини тилайман. Келгуси 20 йил ҳам Ўзбекистон учун фаровонлик ва тараққиёт даври бўлишига тилакдошман.

**Жорж КРОЛ, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Конституция демократик жамиятни бунёд этиш йўлидаги асосий ҳужжат саналади. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Конституция нафақат мамлакатнинг Асосий Қонуни, балки ҳаёт пойдевори ҳамдир.

Ўзбекистон раҳбари қайд этганидек, мамлакатда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва қоидаларнинг ҳақиқий тимсолидир. Конституция ўзбек халқининг фахри ва тараққиётни рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

Мамлакатингиз Президенти Ислом Каримов ташаббусига кўра, 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши Ўзбекистон халқининг фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Юрий САВЧЕНКО, Украинанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Президент Ислом Каримовнинг доимгидек аниқ, равшан ва чуқур ўйланган маърузаси мени яна бир бор ҳайратга солди. Юртбошингизнинг Конституция мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва ривожланиши йўлида барқарор қадам ташлашида ишончли асос ва пойдевор бўлгани тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари барчамизда катта таассурот қолдирди.

2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши Ўзбекистон Президенти ўз халқининг ёруғ келажагидан ишончи комиллигидан ҳамда бутун ўзбек халқи давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажаришда барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёр эканлигидан далолатдир.

**Риккардо МАНАРА, Италия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ушбу муҳим сананинг байрам қилиниши мамлакат учун катта аҳамият касб этади. Зеро, Конституция ҳар қандай давлатнинг пойдевори бўлиб, у мамлакатнинг барча соҳалардаги тараққиётини аниқлаб беради.

Президент Ислом Каримов маърузасида таъкидланганидек, гендер тенглигининг таъминланиши, эркаклар ва аёллар ҳамда болалар учун тенг имкониятларнинг яратилиши келгуси йилда ҳам аҳоли фаровонлигининг янада юксалиши ва мамлакат гуллаб-яшнаши учун шарт-шароитларни яратади.

**«Жаҳон» АА.**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти

— **лойиҳа раҳбарлари;**
— **лойиҳа раҳбарлари ўринбосарлари;**
— **бош илмий ходим;**
— **етакчи илмий ходим**

**лавозимларига қуйидаги лойиҳалар бўйича танлов эълон қилади:**

— аҳоли турмуш даражаси ва сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, тизимли таҳлил этиш ҳамда мониторинг қилиш лойиҳаси;
— аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг турли манбаларини ўрганиш лойиҳаси;
— жамиятнинг ижтимоий табақаланиш жараёнлари ва суръатини чуқур ўрганиш ҳамда мониторинг қилиш лойиҳаси;
— истеъмол саватининг таркибини аниқлаш ва унинг ўзгариш суръатини мониторинг қилиш лойиҳаси.

**Танловда иштирок этувчиларга малакавий талаблар:**

— ***лойиҳа раҳбарларига:*** фан доктори ёки номзод илмий даражасига, камида беш йиллик илмий тадқиқот ёки ихтисослиги бўйича амалий меҳнат стажига эга, илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар;
— ***лойиҳа раҳбарлари ўринбосари:*** фан доктори ёки номзод илмий даражасига, камида уч йиллик илмий тадқиқот ёки ихтисослиги бўйича амалий меҳнат стажига эга, илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар;
— ***бош илмий ходим:*** фан доктори, камида уч йиллик илмий тадқиқот ёки ихтисослиги бўйича амалий меҳнат стажига эга, илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар;
— ***етакчи илмий ходим:*** фан номзоди, илмий унвонга эга, камида уч йиллик илмий тадқиқот ёки ихтисослиги бўйича амалий меҳнат стажига эга, илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар.

**Танловда қатнашиш учун зарур бўлган ҳужжатлар:**

— сўровнома (фотосурат билан);
— таржимаи ҳол;
— дипломлардан нусхалар;
— тавсифнома;
— чоп этилган илмий ишлар рўйхати.

*Мурожаатлар 2013 йил 10 январгача қабул қилинади.*

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 239-19-52, 239-14-18. Факс: (8-371) 244-70-02. Моб.177-45-45.**

2049R/1401

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

***«Capital Realtor Group» МЧЖда объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**1.** Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 11 августдаги 1-164/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй, 28-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 181,24 кв.м., 3 та яшаш хонаси, майдони 94,11 кв.м., даҳлиз, ҳожатхона, ошхона, омборхона, ҳаммом, ёпиқ айвондан иборат тураржой савдога қўйилган.

***Бошланғич нархи — 107 307 000 сўм.***

